

2020 йил 28-ноябр

Пресс-тур иштирокчилари “Фарғонаазот” АЖ фаолияти билан танишди



“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти томонидан тизимидаги корхона-ташкilotлар фаолияти билан журналист ва блогерларни яқиндан таништириш бўйича тасдиқланган медиа-режага мувофиқ, 26-27 ноябрь кунлари “Фарғонаазот” АЖга пресс-тур ташкил этилди.

Пресс-тур доирасида “Фарғонаазот” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехларига пресс-тур ташкил этилди ва корхонада амалга оширилаётган инвестиция ва инновация лойиҳалари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорт географияси тўғрисида презентация кўринишида маълумот берилди.



Пресс-турнинг биринчи куни журналистлар иштирокида Марғилон шаҳрига саёҳат ташкил этилди. Саёҳат давомида Марғилон ҳунармандлар маркази, Ёдгорлик мажмуаси, Ижодкорлар боғи ва Пир Сиддиқ мажмуасига ташриф буюрилди.

Пресс-турнинг иккинчи куни журналистлар “Фарғонаазот” акциядорлик жамияти фаолияти, маҳсулот ишлаб чиқариш ва қадоқлаш жараёни билан танишдилар.



Ҳозирги кунда “Фарғонаазот” акциядорлик жамиятида 30 турдаги минерал ўғит, кимёвий эритмалар, аммиак, нитрат кислотаси, суюқ ва газсимон кислород, азот ҳамда 10 дан ортиқ бошқа кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, пресс-тур иштирокчилари “Winchemical” Корея-Ўзбекистон қўшма корхонасига ташриф буюрдилар. Корхона 2017 йилда ташкил этилган бўлиб, ўзаро боғланган (сросс линкед) полиетилен (сросс линкед фоам) асосидаги замонавий обойлар, матлар ва кенг турдаги изоляция материалларини ишлаб чиқаради.



“Winchemical” корхонасини ишга тушириш ишлари 2019 йилнинг март ойида яқунланди. Апрель ойида тест-синов ишлари олиб борилди, технологик линияда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни комплекс синовдан ўтказилди. 2019 йилнинг май ойидан бошлаб ишлаб чиқариш цикли ўзлаштирилди. Бугунги кунда компания маҳсулотлари маҳаллий бозорда ва Қирғизистон, Қозоғистон ва Россия бозорларида ҳам кенг намоиш этилмоқда. Экспорт қилинаётган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг 30%гачасини ташкил қилади.

Бундан ташқари, энергия тежайдиган уйларни қуриш бўйича давлат дастурининг қабул қилиниши муносабати билан компания иссиқлик изолятсияси маҳсулотларини этказиб берувчилар рўйхатига киритилган. Шу билан бирга, бундай инновацион энергия тежовчи материаллар Ўзбекистонда мамнуният билан қабул қилинишини ва уларнинг замонавий технологиялар ва Жанубий Корея тажрибасига асосланганлиги муҳимлигини ҳисобга олиб, компания маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги кўмаги билан янги болалар боғчалари қурилишида кенг татбиқ этилмоқда ва кўплаб хусусий, корпоратив ва давлат мижозлари томонидан талабга эга.



Бугунги кунда компания Ўрта Осиё ва МДХ давлатларида ўзаро боғланган полиетилен асосидаги замонавий девор қоғози ва изоляция материалларнинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади.

Шунингдек, “Фарғонаазот” АЖда 2020-2024 йилларда умумий қиймати 680 млн. долларга тенг 6 та инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Натижада 600дан ортиқ янги иш ўрни яратилади, экспорт салоҳияти 118 млн. долларга оширилади, республикамизга кириб келаётган маҳсулотларнинг импорти 86 млн. долларга қисқартирилади.

“Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидаги корхона-ташкilotлар фаолияти билан журналист ва блогерларни яқиндан таништиришга қаратилган бу каби пресс-турлар режага мувофиқ ташкил этилади.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/press-tour-fazot>